2006 ЙИЛ, 23 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 231 (10.788) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа қатор уюшма ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида «Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ҳуқуқий меъёрлар» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Қарши шаҳрида мактаб дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси иш бошлади. Республика Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат акционерлик компанияси ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмадан кўзланган мақсад 2007-2008 ўқув йилида дарсликларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишига эришишдир.

● Миллий матбуот марказида «Иқтидорлар бешигисан она юрт!» номи билан 15-16 ёшли уч нафар ижодкор қизларнинг илк асари тақдимоти бўлиб ўтди.

● Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги Қумтепа қишлоғида 540 ўринли коммунал хўжалик коллежи фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этган Марғилон шаҳридаги 242-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бу ерда 1,5 миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

● Зарафшон шаҳридаги «Агама» трикотаж ишлаб чиқариш фирмаси қошида «Қизилқум мануфактураси» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Салкам 200 киши иш билан таъминланадиган қўшма корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

● Қатар пойтахти Дохада ўтказиладиган XV Осиё ўйинларида қатнашадиган 23 ёшгача бўлган футболчилардан ташкил топган терма жамоамиз кеча Дохага учиб кетди.

● Бухоро шаҳридаги «Сомонийлар» деҳқон бозорида ташкил этилган Балиқ сайли соҳадаги ютуқлар кўргазмасига айланди. Сайилда вилоятдаги ўндан зиёд табиий кўл ва сув ҳавзаларида ижара асосида фаолият кўрсатаётган 16 та балиқчилик хўжалиги жамоалари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

● Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги Роҳкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «UKA-UZBEK-EXPORT» номли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхона фаолиятини бошлади. Мазкур қўшма корхона Низом жамғармасининг 55 фоиз улуши Украинанинг «Химинск агропром» масъулияти чекланган жамиятига тегишли.

ЖАҲОНДА

● Ливан Мустақиллиги кунини мамлакат халқи саноат вазири Пьер Жмайелнинг ўлдириб кетилиши орқали мотам билан кутиб олди. Ушбу қотилликда Суриянинг қўли борлиги гумон қилинмоқда. Умуман бу Ливаннинг собиқ бош вазири Р.Харирий ўлдирилгандан сўнг ўтган 1,5 йил ичида Сурияга қарши норозилик кайфиятида бўлганларга нисбатан қилинган бешинчи сиёсий қотилликдир.

● Шимолий Корея ташқи ишлар вазири ўринбосари Кан Сок Чу берган баёнотга кўра, расмий Пьхенян олти томонлама музокаралар тикланган тақдирда ҳам ўзининг ядровий дастуридан воз кечмайди.

● Перу суди мамлакатнинг собиқ президенти Альберто Фухиморига нисбатан янги айбловлар эълон қилди ва уни қамоққа олишга ордер тайёрлади. Фухимори бундан ўн тўрт йил аввал «Sendero Luminoso» қўзғолончилар ҳаракатининг қамоққа олинган исёнчи маҳбусларига нисбатан шафқатсиз жазолар қўллаганликда айбланмоқда. Ўшанда қамоқхонада 42 киши ҳаётдан кўз юмганди.

● Москвада 7 декабрда машҳур «Интурист» меҳмонхонасининг ўрнида бунёд этилган «РТЦ-Карлтон- Москва» номли 332 номерга эга янги беш юлдузли меҳмонхона ўз эшикларини очади. Янги меҳмонхонанинг ер устки қисми 11 қаватдан иборат бўлса, ер остидаги қисми эса беш ярусли чуқурликка ча боради.

● Новосибирскда шифокорлар 25 ёшли Света Митрухинага илк бор сунъий юрак ўрнатишга муваффақ бўлдилар. 225 минг евролик қийматга эга бўлган Германияда тайёрланган механик аппарат бемор қизга германиялик шифокорлар ёрдамида муваффақиятли ўрнатилди. Бу механик юрак оралиқ операция ҳисобланиб, донорлик юраги топилгунга қадар бир-икки йилгача ишлаб туриши мумкин.

● Польшадаги Халемба шахтасида 1000 метрлик чуқурликда метан газининг портлаши оқибатида 23 нафар кончи ер остида қолиб кетган. Чуқурликда метан газининг кўплиги қутқарув ишларини қийинлаштирмоқда. Аниқ маълумотларга кўра шахтада қолиб кетган саккиз киши ҳаётдан кўз юмган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** темир йўл муҳандислари институтида Миробод туманидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи қизлари иштирокида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан спорт фестивали уюштирилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Машинасозлар маиший касб-ҳунар коллежида «Талабалик — олтин даврим» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Тенгдош» маданият уйи томонидан уюштирилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Алгоритм» заводи» акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Дин ва миллатлараро тотувлик — хавфсизлик ва осойишталик таъминланишининг асоси» деб номланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 204-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан «Яхшилик сари интилайлик» мавзуида ўтказилган семинарда вояга етмаган ўсмирлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Тошкент Давлат юридик институти талабалари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг «Талабалар ижтимоий фаоллигини оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» деб номланди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги 289-мактабда «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ҳамда мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида фуқароларнинг ўзинию ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида туман фаоллари иштирок этишди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Нурафшон» маҳалласида «Оилавий муносабатларда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш» мавзусида маҳалланинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 37-ёрдамчи мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.



ШАҲРИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР СОНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎПАЙМОҚДА. УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ҚЎШАЁТГАН САЛМОҚЛИ УЛУШИ БИЛАН БИРГА, ФУҚАРОЛАРИМИЗГА ЯРАТИЛАЁТГАН ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ ҲАМ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР.

Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Улар орасида Мирзо Улуғбек туманидаги сифатли ва рақобатбардош қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «TEZINTOM» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ўз муносиб ўрнига эга. Мазкур корхона жамоасининг металл черепицалари қурилиш ашёлари ичида юксак сифати, кўркамлиги, юқори чидамлилиги, ишлатишда қулайлиги ҳамда узоқ йиллар қўшимча ишлов берилмай хизмат қилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Шу боис ҳам корхонанинг маҳсулотлари нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам кўплаб буюртмачиларига эга. 1994 йилдан буён бунёдкорликда қўлланилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқараётган жамоада бугунги кунда 80 нафардан ортиқ тажрибали ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Катта, кенг, ёруғ ва доимо саранжом-саришта цехларда ўрнатилган замонавий, хорижий — Германия, Финляндия давлатларининг жаҳонга машҳур етакчи фирмаларида тайёрланган юксак унумли, ишлатиш осон бўлган дастгоҳ ва ускуналари жамоа аҳлига ҳақиқий мададкор бўлмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун мазкур корхонада барча шароитлар яратилган — уларга махсус иш кийимлари (мавсумий) транспорт воситалари ҳамда бепул тушлик берилади.

Қўшма корхонада камалак ранглардаги полимер қопламали металл черепицалар, уларга керакли аксессуарлар, осма шифт, девор панеллари, қуйма металлдан замонавий ҳамда анъанавийлик ўзаро уйғунлашган турли ҳажмлардаги дарвоза, манзарали панжара, зиналар учун тўсинлар тайёрланади. Шунингдек, жамоа аҳли буюртма асосида торшер, қандил, осма чироқлар (эшик ва дарвозаларга осишга мўлжалланган), бралар, деразалар учун эксклюзив панжара каби кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Уларни тайёрлашда фақат жаҳон талаблари даражасидаги хом ашёдан фойдаланилгани боис, барча маҳсулотлар юртимиз об-ҳаво инжиқликларига ўта чидамли, экологик тоза ҳамда кўркамлиги билан ҳар қандай иқлимга мослашган замонавий дизайнга эга.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда, корхона тадбиркорлари маҳсулотлари турларини кўпайтириш мақсадида доимий равишда корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Бунда уларга давлатимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар, етарли имкониятлар ва албатта, ҳуқуқий ҳимоя қўл келмоқда.

«Интилганга — толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмайди. Узоқни кўзлаб, аниқ режалар асосида иш юритаётган жамоа аҳли томонидан муҳташам бинолар, бозор, дам олиш зоналари, банк, тиббиёт муассасалари, ресторан, қаҳвахоналарга мўлжалланган турли-туман замонавий мебель ҳамда кўплаб турдаги жиҳозлар буюртмачиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг хоҳиш-истагига биноан тайёрланмоқда. Жумладан, маҳсулотларнинг нархи ҳам доимий равишда корхона тадбиркорларининг диққат-эътиборида. Яъни, сифатга путур етмаган ҳолда маҳсулотларнинг нисбатан арзон нархларда ҳам тайёрланиши ҳисобга олингани ҳолда кўплаб лойиҳалар устида қўшма корхонанинг етакчи мутахассислари иш олиб боришмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: «TEZINTOM» Ўзбекистон -Германия қўшма корхонасида сифатли ва рақобатбардош қурилиш ашёлари тайёрланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

21–22 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун депутатларга Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш учун солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов томонидан тақдим этилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар. Бу таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241^1-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М.Махаметова «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида депутатларга ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Раҳимов тақдим этди. Моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жумаев ахборот берди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қатнашган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси П.Жўраевнинг тақдимига биноан «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини муҳокама қилиб ва маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов ахборот берди. Савол-жавоблар ва мазкур ҳужжат асосий қоидаларининг атрофлича муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси М.Маҳкамов тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА)

КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қувайт давлати алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳитдинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кун сайин ривожланиб бораётгани ва бунда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 19-20 январь кунлари Қувайтга расмий ташрифи асносида эришилган келишувлар муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашди.

(ЎзА)

Обуна —2007

ҲАФТАДА БЕШ КУН — «ОҚШОМ» БИЛАН!

Тошкент оқшоми
Вечерний Ташкент

Қадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.

40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун «теша тегмаган», «тахи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёркин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Вақт ғанимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 24 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7 даража совуқ, кундузи 0-2 даража иссиқ бўлади.

Коммунал хизмат

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРГА АЙЛАНДИ

УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УМУМИЙ МУЛКИНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА ХУСУСИЙ БОШҚАРУВЧИЛАР ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ЁРДАМИДА ЯНГИЧА УСУЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. ЮНУСОБОД ДАҲАСИ, 11-МАВЗЕДА ЖОЙЛАШГАН «ОЙГУЛ ТАЪМИР» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ФИКРИМИЗГА ЯҚҚОЛ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.

Мазкур ташкилотни сув хўжалиги тизими корхоналари ҳамда банк тузилмалари соҳасида қирқ йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган Пётр Цой бошқаради. Таъкидлаш жоизки, П.Цой ўз атрофида ишчан муҳитни ташкил эта олувчи кишилар тоифасига киради.

Бой ҳаётий ва меҳнат тажрибасига эгалиги сабабли 2005 йилда уни «Саодат коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатига раис этиб сайлашди. Ширкатда турли муаммолар йиғилиб қолганди ва П.Цой уларни бирма-бир ўрганиб, яшовчилар билан фаолликда ечишга киришди. Натижада мулкдорларнинг умумий мулкларининг ҳолати сезиларли даражада яхшиланди.

Юртбошимизнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар хусусидаги Фармони ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисидаги янги Қонуннинг қабул қилиниши билан уй-жой—коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Ширкатларни ихчамлаштириш, хусусий бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг тузилиши соҳани яхши билувчи ғайратли ва ташаббускор кишиларга ўз куч-билимларини амалда қўллашлари юзасидан янги истиқболлар очди.

Тез фурсатда Пётр Цой ўз мавзесида кучли эҳтиёж сезилаётган бошқарувчи ташкилотни тузиш бўйича ташаббускор гуруҳни бошқара бошлади. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони ҳамда ширкатлар тўғрисидаги янги Қонунни батафсил ўрганишиб, хориж мамлакатларидаги хусусий бошқарувчи компанияларнинг иш тажрибалари билан танишган ҳолда, шунингдек, туман ҳокимлиги, шаҳар ва туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси кўмаги остида жорий йилнинг 1 июлида «Ойгул коммунальчи» ва «Ойгул коммунал сервис» ширкатлари негизида бошқарувчи компанияни ташкил этишди. Янгитдан ташкил этилган ташкилот «Ойгул таъмир» масъулияти чекланган жамияти сифатида иш бошлади. Ташкилотни Петр Цой бошқара бошлади, тажрибали участка раҳбари Сергей Безруков эса унинг ёрдамчиси бўлди. «Ойгул

таъминлаш борасидаги муҳим ҳисса бўлади.

Марказ ўқув курсларига тингловчиларни жалб этишда, албатта маҳаллалар оқсоқоллари, туманлардаги хотин-қизлар кўмиталари кўмагига таянмоқда. Улар ҳар бир тингловчисига сертификат топширар эканлар, оила зийнати бўлган аёлларимиз ва қизларимизга ёрдам бераётганидан мамнун бўлишади. Зеро, халқимиз «Ҳунар—ҳунардан ризқинг унар», дея бежизга таъкидламаган.

Шарифа ИЛЁСОВА

борилади. Ушбу вақт давомида яшовчилар хонадонидаги ҳар қандай техник носозлик ходимларимиз томонидан бартараф этилади. Буларнинг бари жамоамизни ўз ишини вақтида ва юқори сифатли бажаришга рағбатлантиради.

Ҳозирги кунда жамоамиз қишки мавсумга тайёргарликни якунламоқда. 2 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида қишга тайёргарлик тўлалигича амалга оширилди, қолган ширкатларда ҳам уй-жойларни тайёрлаш ниҳоясига етмоқда. Бизда қишки мавсумда техник хизматлар кўрсатиш жараёнида керакли бўлган турли материалларнинг муайян заҳираси мавжуд. Александр Билетов, Андрей Каргашов каби сантехникалар, пайвандчи Осман Мустафоев каби малакали мутахассисларимиздан эса кўнглимиз тўқ.

Келгусида шаҳар ва туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ёрдамида ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш машинаси, иссиқлик тармоғини босим остида ювиш учун компрессор, станцион пайвандлаш аппаратини харид қилиш учун фоизсиз кредит олишни режалаштирмоқдамиз. Бу ташкилотимизга муҳандислик коммуникациялари, томлар, квартиралар ичидан ўтган иситиш тизимларини капитал таъмирдан чиқариш бўйича ишларни тезлаштиришга имкон яратади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Ойгул таъмир» МЧЖ ходимларининг фаолиятидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 42-модда)

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида бунёд этилган Болалар ижодиёти уйи бугунги кунда пойтахтимиз мактаб ўқувчиларининг севимли масканларидан бирига айланган.

Бу ерда ўқувчиларнинг ўз иқтидорини намоён этиши учун барча шароит муҳайё. Шеърият, тасвирий санъат, нафис санъат, шахмат, вокал-эстрада студияси, ёғоч ўймакорлиги, радиоэлектроника, миллий каштачилик, хореография, компьютер саводхонлиги, хорижий тилларни ўрганиш каби йигирма йўналишдаги тўгаракларга шаҳримиз ва пойтахт вилояти туманларидан уч минг нафарга яқин ўқувчи қатнашмоқда. Психолог-педагоглар эса болаларнинг қизиқиши, дунёқарашини чуқур ўрганган ҳолда, уларнинг ўзига мос тўгаракларни танлашига кўмаклашади.

Фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмаса-да, ушбу ижодиёт уйи вакиллари турли мусобақа ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Жумладан, ёш ҳунармандлар Шоҳиста Файзиева, Раҳматулла Ғойибназаров «Қўли гул уста» ҳамда «Зукко авлод» кўрик-танловлари ғолиби бўлди.

Шахмат клубига олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган қирқ нафар ўқувчи қатнайди. Улар шаҳар миқёсидаги турнирларда фаол иштирок этади. Яқинда бўлиб ўтган шундай мусобақада Нурбек Иноғомов, Абдулла Эгамбердиев, Темур Маъдиев каби ўқувчилар яхши кўрсаткичларга эришиб, шахмат бўйича спорт разряди талабларини бажарди.

— Эҳтимол, машғулотларга қатнаётган болаларнинг барчаси ҳам келажакда моҳир шахматчи бўлмас, — дейди клуб раҳбари, спорт усталигига номзод Анатолий Захаров. — Бироқ шахмат уларда мустақил фикрлаш, ҳар қандай вазиятда тез ва тўғри қарор қабул қилиш каби фазилатларни шакллантиради.

Бу ерда ташкил этилган мўъжаз галереяда тасвирий ва амалий санъат тўгараги аъзолари ижодига бағишланган кўргазмалар ўтказиш яхши анъанага айланган. Ёш мусаввирлар чизган плакат ва суратлар юртимизда ва халқаро миқёсда ўтказилган болалар расмлари кўрик-танловларида ҳам юқори баҳоланмоқда.

Бинонинг томоша майдончасидан гўзал Тошкентнинг бетакрор манзаралари кафтдагидек яққол намоён бўлади. Бу ердан туриб шаҳарни томоша қилган ўғил-қизларимиз бутун мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари кўлами ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўладилар.

Болалар ижодиёти уйи фаолиятининг қизиқарли бўлишида, бу ерда камол топаётган ёш истеъдод эгаларининг турли кўрик-танлов ва фестивалларда фаол иштирок этишида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Бадиий академия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган ана шундай ижодиёт масканлари ёшларимизнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, келгусида касб-ҳунарга йўналтириш билан бирга, улар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилаётир. Бу мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ВАТАНИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ БЎЛГАН БАЙРОҚ, ГЕРБ ВА МАДҲИЯМИЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ ИФТИХОРИ ВА ҒУРУРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ УЧ СЎЗНИ ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИДАН, ВАТАН ТУШУНЧАСИДАН АЙРИ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН.

ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ — ИФТИХОРИМИЗ

Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ аввало ўз тақдирини белгилайди. Бу уч миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, орзу-ўйлари, маслак-мақсади мужассамдир. Кишилик жамияти тарихида давлат тимсоллари муҳим ўрин тутган. Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байроғини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган.

Маълумки, Давлатимиз байроғининг асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун билан мустаҳкамланган. Куни кеча Республика Маънавият тарғибот марказида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан «Байроғимиз — миллий Давлатимиз рамзи» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, ҳарбийлар ва ёш авлод вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Республика Миллий ғоя ва мафкура маркази раҳбар ўринбосари Шамсиддин Жумаев сўзга чиқиб ғурур-ифтихоримиз ҳисобланмиш давлатимиз, мустақиллигимиз рамзи бўлган байроғимизнинг мазмун-моҳияти, шаклу шамойили ҳақида гапириб, у миллатимизнинг шарафи, орзу-умидлари, мақсадлари тимсоли эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, тадбирда Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг 3-курс талабаси, кураш бўйича жаҳон чемпиони Машҳура Мавлонова, оғир атлетиканинг пауэрлифтинг тури бўйича жаҳон чемпионати совриндори Сардор Тўйчиев, Ўзбекистон Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг тарбиявий ишларни ташкил этиш кафедраси бошлиғи, подполковник Шарофиддин Ғаппоровлар «Байроғимиз — фахримиз», «Давлат байроғи ва ҳарбий ҳаёт» мавзуларида сўзга чиқиб, байроғимиз ҳақида тўлқинланиб, фахр-ифтихор билан гапирдилар. Тадбирда иштирок этган жажжи кичкинтойлар Мустақиллик, Ватан, Байроғимиз ҳақидаги шеърлардан ёд олдилар.

Гулором ҲАМИДОВА

«ОИЛА ЗИЙНАТИ» ЎҚУВ МАРКАЗИДА КАСБ-ҲУНАР СИРЛАРИНИ ЭГАЛЛАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЎЗ СОҲАСИНИНГ БИЛИМДОНЛАРИ САБОҚ БЕРИШМОҚДА.

Қарор ва ижро

ҲУНАР СИРЛАРИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШМОҚДА

Айниқса, ушбу нодавлат нотижорат ташкилотнинг жорий йилдаги фаолияти самарали бўлмоқда. Бунинг асосий боиси жорий йил бошида танловда ўз лойиҳаси билан қатнашган ўқув маркази Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмаси ҳамда унинг қошида ташкил этилган Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди орқали 4,5 миллион сўмлик грант соҳиби бўлди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 4 йилдан буён ҳомийлар кўмагидан самарали фойдаланган ҳолда кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалардаги хотин-қизларга 4 та йўналиш бўйича ўқув курсларини ташкил этганмиз, — дейди марказ раҳбари Маъмура Қудратова. — Энг муҳими, уларни бепул ўқитамиз ва қисқа муддатларда касб-ҳунар сирларини эгаллашларига эришмоқдамиз. Жорий йилда юқоридаги грант асосида 4 та босқичда иш юритишни режалаганмиз. Ҳозирда иккинчи босқични муваффақиятли амалга ошириб, бичиш-тикиш, машинада гул тикиш, сартарошлик, қандолатчилик йўналишлари бўйича 94 та хотин-қизга сертификат топширдик.

Айни кунларда эса марказда лойиҳанинг 3-босқичи бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Барча ҳамшаҳарларимизга, яъни марказда ҳунар эгаллашга жалб этилган 14 ёшдан 40 ёшгача бўлган хотин-қизларга қулайлик яратиш мақсадида марказий офисдан ташқари жойларда филиаллар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Машғулот қатнашчилари айниқса, маҳоратларини уларнинг касб-ҳунарни мукаммал эгаллашлари учун сарфлаётган Вилоят Салимова, Наргиза Омонова, Наргиза Азизова, Маҳмуда Содиқова сингари моҳир педагогларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Марказ мутасаддилари тадбиркорлик билан иш юритиб, ўз ўқувчиларининг касб маҳоратларини ошириш, келгусида имкон даражасида иш билан таъминлаш мақсадида Собир Раҳимов туманида очилган филиал қошида «Нафис Зийнати» шўъба корхонаси фаолиятини йўлга қўйишга саъй-ҳаракат қилмоқда. Янги цех бичув ва тикув ускуналари билан жиҳозланиб, битирувчилар касаначилик асосида иш билан таъминланади. Бу, албатта, Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш борасидаги Қарори ижросини таъминлашда муҳим ҳисса бўлади.

Марказ ўқув курсларига тингловчиларни жалб этишда, албатта маҳаллалар оқсоқоллари, туманлардаги хотин-қизлар кўмиталари кўмагига таянмоқда. Улар ҳар бир тингловчисига сертификат топширар эканлар, оила зийнати бўлган аёлларимиз ва қизларимизга ёрдам бераётганидан мамнун бўлишади. Зеро, халқимиз «Ҳунар—ҳунардан ризқинг унар», дея бежизга таъкидламаган.

Шарифа ИЛЁСОВА

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

АЙНАН МАНА ШУ ФИКР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ТАРТИБИДА КИРИТИЛГАН «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА (89-МОДДАСИГА, 93-МОДДАСИНИНГ 15-БАНДИГА, 102-МОДДАСИНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИГА) ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАЛАРИГА МУНОСАБАТ БИЛДИРАЁТГАН АКСАРИЯТ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, СИЁСАТЧИЛАР ВА ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ШАРҲЛАРИДА КУЗАТИШ МУМКИН.

Хусусан, **Европада истиқбол ва хавфсизлик институти бош котиби Э.Депуининг (Франция)** таъкидлашича, икки палатали парламент ташкил этилиши Ўзбекистондаги демократия шаклланишида муҳим воқеа бўлди. Бу эса мамлакат учун ҳам ички, ҳам ташқи масалаларни профессионал даражада ҳал этиш имконини яратди.

— Президент томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳалари Ўзбекистонда жадаллашиб бораётган эркинлаштириш жараёнининг энг муҳим жиҳатига айланади, — деди франциялик мутахассис. — Мамлакатда шаклланиб улгурган сиёсий партиялар парламентда самарали фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамият касб этади ҳамда сиёсий партиялар халқ иродасини янада самаралироқ ифода этишига хизмат қилади.

Россия Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти директори, РФА академиги Руслан Гринберг:

— Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган сиёсий партиялар ролини кучайтириш ҳамда Конституциянинг айрим моддаларига ўзгариш киритиш тўғрисидаги қонунлар мамлакат раҳбариятининг тарихий шаклланган ўзбек жамиятида демократия институтлари ва тартиботларини тузиш борасидаги тизимли фаолиятидан далолат беради. Менда айрим хорижий сиёсатчиларнинг жамият ва иқтисодиётни ўзи гўёки сехрли тарзда мувофиқлаштириб қўядиган чегарасиз демократия ва либерализм тўғрисидаги қатъий «маслаҳатлари» доимо таажжуб уйғотган. Бу каби маслаҳатларга риоя қилиш амалда анархия ва қашшоқликка олиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон раҳбариятининг бу масалага нисбатан «сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган» тарздаги ёндашуви ҳар томонлама қўллаб-қувватланса арзийди.

Австрия Конституциявий суди департаментининг бошлиғи Р.Хуппман фикрича, Ўзбекистон демократлаштириш жараёнида муҳим қадам ташлади.

— Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг конституцияларида «мухолифат партияси», деган тушунчанинг ўзи йўқ. Янги қонун кўп партиявийликни фаоллаштириш, ёш авлод орасидан янги сиёсий етакчиларни илгари суриш имконини беради. Эътиборга молик жиҳати шундаки, қонун Президентнинг айрим ваколатларини парламентга ўтказишга йўналтирилган. Бу эса посангининг паллаларини тенг ушлаб туришнинг ишончли воситаларини яратишга, жамиятдаги барқарорликни таъминлашга, аҳолининг кенг қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилади, — деди австриялик юрист.

Индонезияда инглиз тилида чоп этиладиган «Nhe jakarta Post» газетасининг халқаро сиёсат бўлими шарҳловчиси Анжай Фил Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилаётган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатдаги демократлаштириш жараёнларининг янги босқичини бошлаб беришига эътибор қаратди.

Журналистнинг фикрича, мамлакат парламентида сиёсий партиялар фракцияларининг ташкил этилиши ижро ҳокимияти ҳаракатлари сиёсий қарорлар қабул қилиниши масалаларини юзасидан турли фикрларига таянадиган сиёсий партияларнинг манфаатлари призмаси орқали баҳоланадиган янги сиёсий механизмни ишлаб чиқиш имконини беради.

— Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ролининг кучайиши энг муҳим ижтимоий масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда мамлакат аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олиниши учун қулай шароит яратади, — деди А.Фил.

Араб университетлари иттифоқи бош котиби Солиҳ Ҳошимнинг айтишича, сиёсий партиялар аҳолининг фикри ва иродасини изҳор этиш, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, уларнинг давлат бошқаруви органларини шакллантириш жараёнида кенг иштирок этишини таъминлашнинг энг муҳим воситасидир.

— Сиёсий партиялар ролининг юксалиши давлат ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш учун туртки бўлиб хизмат қилади, — деди Солиҳ Ҳошим. — Яқинда Ўзбекистонга амалга оширган сафарим чоғида мен демократлаштириш ва либераллаштириш жараёни билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлиб, мамлакат тўғри тараққиёт йўлини танлаганига ишонч ҳосил қилдим. Президент томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳаларининг Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши мамлакатда бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг мантиқий давоми ҳамда мамлакат кучли давлатдан кучли жамият сари ўтишининг самараси бўлади.

«Жаҳон» АА.

АЛЛЕРГОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

ЯҚИНДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ИХТИСОСЛАШГАН АЛЛЕРГОЛОГИЯ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ АЛЛЕРГОЛОГЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур анжуманда аллергологик касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва унинг олдини олиш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, унда мамлакатимиз олимлари, пульмонологлар, умумий амалиёт шифокорлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Россия, Қозоғистон ва Буюк Британиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этдилар. Шуни таъкидлаш керакки, тиббиётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек аллергология соҳасида ҳам тегишли миллий дастур ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Илмий изланишларни амалга оширишда Тошкент тиббиёт академияси ва мамлакатимиздаги бошқа кўплаб илмфан даргоҳлари, шу билан бир қаторда хориждаги нуфузли клиника ва илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов Юртбошимиз ташаббуслари билан ишлаб чиқилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини янада оширишда муҳим омил дастуруламал бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар аллергология соҳасини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда, —дейди Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази раҳбари, профессор О.Назаров. — Марказимиз клиника, поликлиника ва лабораторияси бу борада қўлланиладиган замонавий тиббий-диагностик жиҳозлар билан таъминланган. Йилига қарийб ўн саккиз минг нафар беморга маслаҳат-ташхис ва даволаш хизмати кўрсатилади.

— Тадбир давомида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, шифокорлар илмий-амалий аллергологиянинг долзарб муаммолари, бронхиал астмани даволаш, бу борада янги авлод ингаляторларини қўллаш тажрибаси, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар. Анжуман доирасида мазкур соҳада қўлланиладиган янги дори воситалари, лаборатория ва диагностика анжомлари, янги ахборот технологиялари ҳамда ихтисослашган нашрларнинг «Аллергия ва астма-2006» кўргазмаси намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ ТАДБИР

ЁШЛАР – БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИЯТИ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИНГ ҲАР ЖИҲАТДАН ЕТУК ИНСОН, ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛИБ КАМОЛ ТОПИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛМОҚДА. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМ МАЗКУР МУШТАРАК ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА МУНОСИБ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИБ КЕЛМОҚДАЛАР.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши касаба уюшмаси доирасида 12 та олий ўқув юрти бўлиб, 57323 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Талабаларнинг 34850 нафари мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келиб, 13220 нафари талабалар турар жойларида яшайдилар. Бугунги кунда ўқув муассасаларида кундузги бўлимда 140 нафар ногирон, ота-онасиз ва боқувчисини йўқотган талабалар таълим олмоқдалар. Шу билан бирга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 36697 нафар ўқувчилар кундузги бўлимда таҳсил олишмоқда. Мазкур ўқув муассасаларида ота-онаси ва боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон бўлган жами 108 нафар ўқувчилар ўқийди. Ҳар йили "Жаҳон ёшлари ва халқаро талабалар куни", Халқаро Ногиронлар куни" арафасида олий ўқув юртларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга касаба уюшма фаоллари иштирокида катта байрам тадбирини уюштириш, талабаларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш, моддий жиҳатдан рағбатлантириш яхши анъанага айланган.

Халқаро талабалар куни муносабати билан Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши томонидан талабалар учун байрам тадбири ташкил этилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг раиси Носирхон Акбаров тантанали тадбирни очиб, талабаларни самимий қутлаб, эзгу ниятларини билдирди. Аъло баҳоларда билим олаётган, хулқи-одоби намунали бўлган талабалардан 25 нафарини моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан таъсис этилган махсус устама стипендия соҳибларига гувоҳномалар тантанали вазиятда топширилди. Шунингдек, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши томонидан кам таъминланган, ногирон талабаларнинг 12 нафарига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Байрам арафасида жами бўлиб, кам таъминланган, ногирон талабаларнинг 150 нафарига шаҳар Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Инсоннинг кўнглини кўтариш, унга шодлик, қувонч бағишлаш беҳад савобли, эзгу иш бўлиб, совға-салом тақдим этиш орқали бизларга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлаётган касаба уюшма фаолларига кўрсатилган бениҳоя юксак эътибор, ғамхўрлик учун тақдирланган талабалар номидан миннатдорчилик билдириб, хайрли ишлар давом этишини тилаб, аъло ўқишимиз намунали хулқ-одоб, жамоат ишларида фаол иштирок этиш билан олдимизга қўйилган муҳим вазифани сидқидилдан адо этишга интиламиз", — дейди талабалар номидан Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 3-босқич талабаси Эркинжон Умаров.Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетининг маънавий-ахлоқий ва тарбия масалалари бўйича биринчи проректори Муродилла Хайдаров, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддас Абдуллаевалар сўзга чиқиб, кўрсатилган эътибор учун тадбир ташкилотчиларига ташаккур билдириб, талабаларнинг аъло ўқиб, жамоат ишида фаоллик кўрсатиб, эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлишларига ишонч билдирдилар.

Тадбирнинг тақдирлаш қисмидан кейин Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий гуруҳи томонидан ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган "Бир қанотлилар" спектакли намойиш этилди. Халқимизга хос меҳр-муҳаббат туйғулари ардоқланган, барчани эзгуликка чорловчи маданий тадбир барчада ёркин таассурот қолдирди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ,
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

МИСР ВА ШОМ (МАМЛАКАТЛАРИ) НИ ФАТҲ ЭТИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Менинг шон-шавкат ва қудратим овозаси [Рум] қайсарининг[1] қулоғига етди. У ўзига қарашли Сивос ҳамда Малатия қалъалари ҳамда уларга тобеъ ерларни забт этганим, қалъалар ичидаги аскарларининг барисини тарқатиб, теварак-атрофга сочиб ташлаганим ҳақидаги хабарни эшитгач, томирларидаги ғайрат ҳаракатга келди ва лашкарим зарбасидан қочиб, қайсар қошида паноҳ топган қора Юсуф туркман[2] иғвоси билан устимга лашкар тортишга қарор қилди.

Қайсар балога йўлиқиб, давлати вайрон бўлиши яқинлашиб қолган эди, чунки у қора Юсуфнинг иғвосига учиб, менга қарши лашкар тортган эди. [Қолаверса] Миср ва Шом қўшинларини ҳам ёрдамга чақирган эди. Мен кенгашиб лашкаримни уч фавжга ажратсам яхши бўлар, дедим. Бироқ жангда енгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остида яширинлиги боис бу тўғрида амирларим билан кенгаш ўтказдим. Улар сипоҳийларга хос ишни тутиб, уруш очмоқни маслаҳат бердилар.

[Шундай бўлса] ҳам мен қайсарнинг [ғайрат] ўтини аччиқ-чучук гап билан сўндирмоқни маслаҳат кўрдим ва қайсарга мактуб йўлладим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди: «Ер кўкни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинким, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ҳокимлари менга эгилиб, итоат ҳалқасини жон қулоқларига тақдилар. Ўз қадрини билиб, ҳаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ёрлақасин! Сенинг наслу насабинг ким эканлиги жаҳон халқи олдида маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъат оёғини олдинга қўймаки, ранжу меҳнат балчиғига ботиб, бало чуқурига йиқилгайсан. Иқбол эшигидан ҳайдалган бир тўда иғвогар кишилар ғаразли ишларини бажариш учун сенинг паноҳингдан жой олиб, ухлаб ётган фитнани уйғотмишлар. Яна ўшаларнинг иғвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмагил. [Дарҳол] қора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўқнашганда юзингга очилғусидир»[3].

Мактубни танилган элчиларим билан Қайсарга юборганимдан кейин Шом пойтахти (Димишқ)га бориб туришга қарор қилдим. Ҳумис ва Ҳалаб йўли орқали у ерга равона бўлдим. Ҳалаб шаҳрига етганимда Миср подшоси Малик Барқуқ ўғли Малик Фараж[4] менинг Димишққа келаётганимни эшитиб, шошилинч равишда Мисрдан Димишққа қараб йўл олгани ҳақида хабар келтирдилар. Мен Миср ва Шом лашкарларининг қўшилишига йўл қўймаслик учун зудлик билан отланиб, олдинга юрдим. Лекин Малик Фараж абжирлик қилиб, мендан олдин Димишққа етиб олди. [Шундай бўлса ҳам] мен унинг орқасидан шаҳарга етиб бордим ва Димишқни забт этдим[5].

(Давоми бор).

1 Бу ерда Усмонли империяси султони Йилдирим Боязид I (1389-1402) назарда тутилади. (1403 йилнинг 8 мартида Оқшаҳарда вафот этган).

2 ***Қора Юсуф туркман*** *– 1380-1468 йиллари Ироқ ва Озарбойжон устидан ҳукм юритган қора-қуюнлилар сулоласидан чиққан ҳукмдор (1388 – 1420). 1388-89 й. Арманистон, Ироқ ва Жанубий Озарбойжон сарҳадларида Амир Темур лашкари билан жанглар қилган. У Султон Аҳмад жалоир билан иттифоқдош бўлган. Лекин ҳар иккалалари ҳам енгилиб, Султон Боязид Йилдиримнинг қаноти остига қочиб борганлар. Табризга фақат 1406 й. Темур вафотидан кейин қайтган.*

3 Лекин Боязид Йилдирим Амир Темурнинг талабини инобатга олмаган, аксинча унга ҳақоратомиз жавоб мактуби йўллаган.

4 ***Малик Барқуқ ўғли Малик Фараж*** *– 1382-1517 йилларда Миср билан Шомда ҳукмронлик қилган Буржийлар сулоласидан чиққан олий ҳукмдор (1399-1405). Шарқдаги Амир Темурга қарши кучлар, Тўхтамиш, Қора-қуюнли туркманлари, Султон Аҳмад жалоир ва Рум султонлари билан иттифоқдош бўлган.*

5 1401 йил 11-январь.

ОММАВИЙЛИК — МУҲИМ НАТИЖА

МЕҲНАТКАШЛАР ЎРТАСИДА СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишлаб спорт фахрийлари ўртасида мини-футбол бўйича шаҳар миқёсида анъанавий бешинчи турнир бўлиб ўтди. Унда тармоқлар касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларининг вакилларидан иборат 9 та жамоа фаол иштирок этди. Муросасиз, шиддатли спорт беллашувлари остида кечган, ҳаяжонли, қизиқарли дақиқаларга бой бўлган учрашувлар барчада яхши таассурот қолдирди. Аҳил жамоа бўлиб, маҳорат билан чиройли ўйинлар намойиш этган автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар Кенгаши командаси мусобақада ғолиб чиққан бўлиб, савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма шаҳар Кенгашининг жамоаси фахрли иккинчи ҳамда "Ўзметмашсаноат" касаба уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар Кенгаши вакиллари учинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Голиб жамоанинг дарвозабони А.Семёнов, иккинчи ўрин соҳиби бўлган команданинг ҳимоячиси А.Пазилов ҳамда ҳурмат шоҳсупасининг учинчи поғонасини эгаллаган жамоанинг ҳужумчиси А.Абдуллаевдан иборат иштирокчилар турнирнинг энг яхши ўйинчилари деб эътироф этилди.

Муҳими, ғалаба қозониш, совринли ўринларни эгаллаш билан бирга фаол қатнашиш ва меҳнаткашлар орасида спортнинг оммавийлигини оширишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳисса қўшишдир.

Саидмаҳмуд ЯҲЁЕВ
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти Кенгашининг раиси

АҲИЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

АҲИЛ-ИНОҚ ЖАМОАГА БАРАКА КИРАДИ. КОРХОНА МАЪМУРИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА МЕҲНАТ АҲЛИНИ ЭЗГУ МАҚСАД САРИ ЖИПСЛАШТИРИШ УЧУН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Сергели туманидаги "Файз шароб савдо" шўъба корхонасида ишлаб чиқариш жараёни йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Корхонанинг ютуқларида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ишларда албатта корхонанинг жамоа шартномасида кўзда тутилган турли имтиёзлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ушбу корхонада оғир ва зарарли шароитларда ишловчиларга 10 фоиздан 20 фоизгача устама ҳақ тўлаш тартиби жорий этилган.

— Ишчиларимизнинг соғлиғини сақлаш, улар ўртасида касалликка чалинишнинг олдини олиш масаласи ҳам корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат марказида, —дейди биз билан суҳбатда "Файз шароб савдо" шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси И.Малматина.

Ўтган йили меҳнат таътилига чиққан қар бир ишчига касаба уюшма қўмитаси томонидан 94000 сўмдан ёрдам пули жратилди. Бундан ташқари ишчиларни озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Цехларда ишловчиларга эса доимий равишда чой ва минерал сув ташкил қилинади. Байрам кунларида ишчиларнинг ҳар бирига 37200 сўмдан пул ажратилиб моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хар ойда кам таъминланган, кўп болали оилаларга ва пенсионерларга 25000 сўмдан ёрдам пули ажратилмоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш учун сиҳатгоҳларга, дам олиш уйларига белгиланган тартибда йўлланмалар бериб борилмоқда. Ўтган йили 10 нафар ишчиларга Митрофанов номидаги спорт соғломлаштириш мажмуига бепул абонемент берилди. Бундан ташқари ишчиларнинг фарзандлари ҳақида ҳам корхона касаба уюшма қўмитаси доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Уларга ёзги таътил даврида болалар дам олиш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилади.

Корхонада ишлаб нафақага чиққанлардан доимо хабар олиниб турилади. Ўтган йили кам таъминланган оилаларга 2 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг кўпчилиги кам таъминланган, кўп болали оилалардир. Ҳа, ушбу корхонада инсонларга наф келтириш анъанага айланиб қолган десак муболаға бўлмайди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида корхона раҳбарияти кенг кўламдаги хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Пахтакор» спорт мажмуига 1 миллион сўм, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига эса 4 миллион сўм миқдорида пул ажратилди.

Инсонга наф келтириш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш фаолиятимизнинг устувор йўналиши сифатида давом этади.

Шоира ШАМШИЕВА,
Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси шаҳар Кенгашининг Сергели тумани вакили.

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРАДИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН АҲИЛ ЖАМОАНИНГ БАРАКАЛИ МЕҲНАТИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ЭСА МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИДИР. "ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚ ДУНЁСИ НАШРИЁТ УЙИ» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МАЪМУРИЯТ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН БУ БОРАДА МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Ҳозирда бу ерда бир неча турдаги ҳафталик газета ва журналлар чоп этилмоқда ва бошқа шу каби ноширлик ҳамда реклама хизматлари амалга ошириб келинмоқда.

"Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси Нашриёт уйи" томонидан ишчи ва ходимларнинг самарали ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Биноларни иситиш учун хусусий қозонхона қурилган бўлиб, шаҳар тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда хизмат кўрсатади. Ишчи ва ходимларни экологик тоза ва мусаффо ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ер ости табиий артезиан сувидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Уларнинг овқатланишларини ташкиллаштириш борасида махсус овқатланиш хоналари ажратилиб, зарурий мебеллар тўплами, микротўлқинли печлар билан таъминланган.

Нашриёт уйининг раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилоти томонидан ишчи-хизматчилар ва ходимларнинг саломатликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилади. Ҳар йили тиббий даволаш муассасаси билан тузилган шартнома асосида маълум миқдорда маблағ ажратилиб, жамоа аҳли тиббий-профилактика кўригидан ўтказиб турилади. Бундан ташқари йилига бир маротаба вакцинация амалга оширилади.

Ҳар йили куз фаслининг ўртасида ишчи-хизматчиларга қишга сабзавот харид қилиб олишлари учун етарли миқдорда моддий ёрдам пули берилади. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамларида тўкин байрам дастурхонлари ташкил этилиб, ходимлар, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинмоқда.

Босмахонада ишловчи ишчи ва хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси талаблари асосида ишни ташкил қилиш, ишчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар бажарилаётганини кўрамиз.

Нашриёт уйида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг дастурий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 2006 йилнинг биринчи ярмида хайрия жамғармаларига ўтказилган саховат маблағлари 2.073.200 сўмни ташкил этди. Шу жумладан "Маҳалла" жамғармасига "Экосан" халқаро жамғармасига, "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига "Меҳрибонлик жамғармаларига маълум миқдорда хайрия маблағлари ўтказилди. Бундан ташқари Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган "Мақсад Файз" уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли уйларни темир эшик билан таъминлаш учун 240000 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

2006 йилда корхонада ишловчи ходимлардан 2 кишига "Олтин ёмби" дам олиш масканига оилавий ҳамда "Турон" сиҳатгоҳига касаба уюшма ташкилоти маблағи ҳисобидан 40 фоиз арзонлаштирилган йўлланма берилди, 10 киши Митрофанов номли спорт-соғломлаштириш мажмуасига имтиёзли нархда касаба уюшма ташкилоти маблағи ҳисобидан абонементлар билан таъминладилар.

Шайхонтоҳур тумани савдо ходимлари, матлубот кооперацияси ва тадбиркорлар касаба уюшма кенгашининг ташкилий ёрдами асосида 2006 йил мобайнида 18 киши "Чимён" дам олиш спорт мажмуасида ва 24 нафар ходим "Кумушкон" ёзги дам олиш масканида хордиқ чиқардилар. 26 нафар ишчи-хизматчиларнинг ўғил-қизларига ёзги таътил даврида кўнгилли дам олишлари учун "Мовий денгиз" болалар соғломлаштириш оромгоҳига йўлланмалар берилди.

Кишилар меҳнатига бўлган эътибор ҳамда уларнинг манфаатларини кўзда тутган ҳолда фаолият юритилиши ишчи-хизматчиларнинг янада кўтаринкилик ва ғайрат билан меҳнат қилишларини таъминлайди. Шуни доимо ўз диққат марказида тутган "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи" ёпиқ акциядорлик жамиятининг раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилоти бундан кейин ҳам ишни мана шундай тарзда олиб боришни, корхонада меҳнат самарадорлигини янада оширишни асосий мақсадлардан бири деб ҳисоблайдилар.

Баҳодир ИЛЁСОВ,
Корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, ИҚТИДОРЛИ, ФАОЛ ВА ЕТАКЧИ ТАЛАБАЛАРНИ ЎЗАРО ЖИПСЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Муҳим жиҳати шундаки, университет раҳбарияти ушбу мақсадларни амалга оширишда университетда фаолият кўрсатаётган Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти каби жамоат ташкилотлари билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

«Иқтидорли талабалар диспут клуби» университетнинг энг иқтидорли, фаол ва етакчи талабаларини ўзида жамлаган клуб сифатида талаба-ёшлар орасида юқори мавқега эга. Ушбу клуб томонидан ўқув йили давомида 2-3 марта ташкил этиладиган сайёр семинарлар унинг таълим-тарбиядаги инновация эканлигидан далолат беради. Айниқса, жорий йилнинг 6-8 октябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Иқтисодчи» дам олиш оромгоҳида ўтказилган Таълим инновацияларида ёшлар: ТДИУ да талабаларнинг ролини ошириш» мавзуидаги навбатдаги сайёр семинар талабаларда катта таассурот қолдирди. Унда университетда амалга оширилаётган янгиланишлар, жумладан, биринчи курслар учун жорий этилган таълим-тарбия маслаҳатчилари, яъни тьюторлик тизими, университет талабасининг замонавий имижини яратиш, талабалар билан олиб бориладиган мустақил таълим, янги яратилаётган университет ўқув-услубий сайтини бойитишда диспут клуб иштирокчиларининг фаоллигини ошириш ҳамда талабаларни бизнес-лойиҳалар билан ишлашга кенг миқёсда жалб этиш каби долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Ҳозирги кунда ушбу семинарда иштирок этган талабалар университет ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз фаолликларини намоён этишиб, семинарда муҳокама этилган масалаларни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Бу диспут клуб сайёр семинарининг самара бераётганидан далолат беради.

Шунингдек, жорий ўқув йилидан бошлаб 1-курс талабалари учун таълим-тарбия маслаҳатчилари — тьюторлар фаолиятининг йўлга қўйилиши университетда амалга оширилаётган муҳим инновациялардан биридир. Асосан магистрантлар ва ёш профессор-ўқитувчилардан иборат тьюторларнинг асосий вазифалари талабаларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг дарс машғулотларидаги фаолликларини ошириш ва замонавий билимларни эгаллашга бўлган интилишларини кучайтириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш кабилардан иборатдир. Шуниси эътиборга моликки, тьюторлик асосий иш жойи ҳисобланиб тьюторлар доимий равишда талабалардан бохабар бўлиб туриш имкониятига эгадирлар. Бу эса уларнинг юқоридаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли амалга оширишларига имкон яратади.

Кўриниб турганидек, бундай инновациялардан кўзланган асосий мақсадлардан бири — талабаларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдир. Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотининг асосий мақсадлари ҳам шуларда намоён бўлиб, улар бундай инновацияларни сифатли амалга ошириш йўлида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Исмоил ШОДМОНҚУЛОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Сўранг, жавоб берамиз

ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Турли динларда ер юзида ҳаёт ниҳоясига етиб, қиёмат-қоим бўлиши ҳақида хабар берилади. Айниқса, Ғарб матбуотида тез-тез шундай шов-шувлар учраб туради. Ҳақиқатан ҳам буюк ҳалокатга яқин қолганми? Бу ҳақда олимларнинг фикрлари қандай?

Шариф Анваров,
Учтепа тумани.

Ақш ва Россия олимларининг сўнгги тадқиқотлари асосидаги фикрларига кўра, мутлақо ишончли илмий башорат шундан иборатки, 5-6 миллиард йилдан кейин Қуёш қизил гигантга айланиб, Ер орбитасидан ҳам каттароқ ҳажмда шишиб кетади. Шунгача Қуёшда портлаш юз бермайди – зеро, ундаги ҳарорат барқарорлигича қолаверади.

Ер астероид билан тўқнашади, деган тахминларга келсак, ҳозиргача сайёрамиз билан тўқнашиши хавфи энг катта бўлган 2004 MN4 астероиди чамаси 2029 йилларда Ерга ағдарилиб тушиши эҳтимоли бор. Лекин бу эҳтимоллик миллиондан бир имкониятдан ҳам камроқ баҳоланади. Шундай экан, ҳали-бери хавотирликка ўрин йўқ.

ЯДРОВИЙ МАМЛАКАТЛАР КЎПАЯДИМИ?

Кейинги пайтларда атом ва термоядро қуролига эга бўладиган мамлакатлар ҳақида кўп гапириляпти. Айниқса, КХДР ҳатто ер остида ядровий бомба синовини ўтказгани ҳақида хабарлар тарқалди. Эндиликда қарийб ҳар куни Эрон ядровий қурол яратиш ишига қизғин киришиб кетган, дейилмоқда. Яна шундай мамлакатлар ҳам борми?

Жўрабой Асламов,
Сергели тумани.

«Ассошиэйтед-пресс» агентлигининг билдиришича, ҳозиргача маълум бўлгани Эрон мамлакати уранни бойитиш технологиясини ўзлаштирган. Бу жараёндан бевосита ядро қуроли яратишгача анча вақт керак бўлади. Мамлакатнинг бу борада бирон-бир амалий-ҳарбий тадқиқотлар олиб бораётгани ҳақида гувоҳлик берувчи далил йўқ. МАГАТЭ экспертлари ҳам буни тасдиқлашмоқда.

Лекин ҳақиқатан ядро қуролини яратишга яқин турган мамлакатлар қаторида КХДР биринчи сафда бормоқда. Ундан кейин Япония, Тайван, Жанубий Корея, Германия, Италия, Испания, Бразилия давлатлари туради.

ҚИШКИ «ОЛИМПИАДА — 2014» ҚАЕРДА БЎЛАДИ?

2014 йилги қишки Олимпиада ўйинларини қабул қилишга даъвогарлар сафида Россия, Австрия, Испания каби мамлакатлар билан бир қаторда Грузия, Қозоғистон, Жанубий Кореянинг шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг қай бири Олимпиада мезбони бўлиш имкониятига кўпроқ эга?

Эрнст Олимов,
Мирзо Улуғбек тумани.

Халқаро Олимпиада қўмитаси (ХОҚ) ахборот хизматининг маълум қилишича, ҳозирги вақтда 2014 йилги қишки Олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогарлар орасида Австриянинг Зальцбург, Россиянинг Сочи, Жанубий Кореянинг Пйончанг, Болгариянинг София, Испаниянинг Хака, Қозоғистоннинг Алмати ва Грузиянинг Боржоми шаҳарлари бор. Шу йил охирида ХОҚ Қишки Олимпиада мезбонлиги учун юқоридаги етти мамлакат шаҳарларидан қайсилари курашни давом эттиришини маълум қилади.

Ҳозирча Games Bids ва Around the Rings рейтинглари бўйича Зальцбург, Сочи ва Пйончанг шаҳарлари олдинда боришмоқда. Алмати ва Боржоми шаҳарлари рейтинг жадвалининг сўнгги поғоналарини эгаллашган.

ТАРВУЗЛАР СИФАТИ БУЗИЛМАЙДИМИ?

Ўлкамизда куз охирлаб бормоқда. Пойтахт бозорлари-ю, йўллар, кўчаларда қовун-тарвузлар бир неча кунлаб ва ҳатто ҳафталаб ётишини кўришга ўрганиб кетганмиз. Лекин ҳаво пасая бориши билан уларнинг сифати, мазаси бузилмасмикин?

Жамила Сўфихўжаева,
Шайхонтоҳур тумани.

Тошкент Аграр университети мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва сақлаш кафедраси мутахассисларининг айтишларича, агар ҳаво ҳарорати кечаси 0 даражагача тушиб кетадиган бўлса, очиқ ҳавода қолиб кетган қовун-тарвузларни олмай қўя қолганингиз маъқул.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу полиз маҳсулотлари +18-20 даражани ҳам, ҳаво ҳароратининг иссиқдан совуққа 8-10 даражадан ортиқ ўзгариб туришини ҳам ёқтирмайди. Полиз маҳсулотларини асраш учун энг матлуб ҳарорат +6 – 8 даражадан иборат. Кўча шароитига қовунлар ўн кун, тарвузлар эса икки ҳафта давомида "чидаши" мумкин. Шундан кейин уларнинг сифати анча пасаяди.

ВАННА МАЪҚУЛМИ ЁХУД ДЕЗОДОРАНТ?

Кўп терлайдиган одам нима қилиши керак – маслаҳат берсангиз – қайси хил дезодорантлардан фойдаланса бўлади? Кечаси-кундузи, яъни 24 соат давомида улардан фойдаланиш мумкинми?

Оқил Идрисов,
Тошкент тумани.

Дерматолог-шифокор Бурхон Алиддинов жавоб беради:

— Энг аввало гигиенага қаттиқ риоя этиш талаб қилинади. Мунтазам равишда ванна, яхшиси хвойли ванна ва душ қабул қилиб туриш керак. Энг кўп терлайдиган жойларингизни қизилпойча, сачратқи (талха), мойчечакли илиқ ёки совуқ сувда ювиб туринг.

Қўлларнинг "чип-чип" ёпишишидан сиркали ванна (бир литр. сувга 3 чой қошиқ олма сиркаси солинади) даво бўлади. Муолажа 5 дақиқа давом этиши керак. Оёқ терлаганда эман дарахти пўстлоғи ва мойчечак дамламалари ванналари фойдали. Овқатда аччиқ ва шўр нарсалар ва алкоголдан ўзингизни тортганингиз маъқул. Чунки улар тана терларига ёқимсиз ҳид беради.

Косметик воситалардан ҳар қандай дезодорантлар бўлаверади. Лекин улардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланиш тавсия этилмайди. Дезодорантлар терга қарши таъсирчан восита бўлса-да, тери тешикчаларини торайтириб, тер ажралишини бутунлай тўхтатиб қўяди ва тер безлари шамоллаши хасталигини келтириб чиқаради.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Тошкент оқшоми» газетаси шарҳловчиси Муҳаббат Ҳавбибуллаевага онаси

Хайриниса ая УМАРБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Театр ва замон

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИСТИҚБОЛЛАР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲАМДА ПОЙТАХТИМИЗ ТЕАТРЛАРИДА САҲНАЛАШТИРИЛАЁТГАН БИР ҚАТОР СПЕКТАКЛЛАР МАВЗУСИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙЛИГИ БИЛАН ТОМОШАБИНЛАР ОЛҚИШИГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА. ЗЕРО, ТЕАТР ИНСОНЛАРГА МАЪНАВИЙ ОЗИҚ БЕРИБ, УЛАРНИНГ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҚАДДАС ДАРГОҲ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ижодий жамоаларда жойларда Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Дарҳақиқат, театр маънавият маскани ҳисобланади. Шуни қувонч билан айтиш керакки, бугунги кунда театрларимиз заллари санъат ихлосмандлари билан гавжум, —дейди биз билан суҳбатда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи Эсон Ўринов. — Шунингдек, республика,вилоят театрларининг ҳар томонлама бой ва кўп қиррали ижодий фаолиятини халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида уларнинг Тошкент шаҳрига ижодий сафарларини уюштирмоқдамиз. Фақат охирги уч ой давомида пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги Наманган, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрлари ва Жиззах вилоят қўғирчоқ театри меҳмон бўлдилар. Улар ҳамшаҳарларимизга Истиқлол йилларида эришилган ижодий ютуқларини намойиш этиб, ўзбек ва хорижий драматурглар нинг турли жанрдаги саҳна асарларини намойиш этдилар.Театр жамоалари қисқа ижодий сафарлари давомида шаҳримизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ҳамда туман ҳокимликлари билан келишган ҳолда маҳаллаларда ҳам қизиқарли учрашувлар ва суҳбатлар ўтказдилар. Энг асосийси, вилоят театрларининг сафарлари бугун ҳар бир бадиий жамоа ўзининг алоҳида ижодий услубига, қиёфасига, ўткир ва замонавий сўзига эгалигини кўрсатмоқда. Бу эса бизнинг бугунги кундаги энг катта ижодий ютуқларимиздан саналади. Бугун Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида навбатдаги меҳмонимиз энг кекса бадиий жамоаларимиздан бири Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри ўзининг янги саҳна асарларини театр шинавандаларига тақдим этади. Мазкур театр саҳнасида халқимизнинг мусиқали ва драма асарлари «Рустам», «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор», Ў.Умарбековнинг «Қиёмат қарз», В.Шекспирнинг «Отелло» ва юзлаб бошқа асарлар саҳналаштирилган. Самарқандлик ижодкорлар охирги ўн беш йил давомида Республика ва халқаро театр фестивалларида иштирок этиб, катта ижодий ютуқларга эришганлар. Театр жамоаси уч кун давомида Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида Равшан Ёриевнинг «Қайтиш», Холиқ Хурсандовнинг «Бир ўлиб кўрайчи» асарларини намойиш этадилар. Ўйлаймизки, мазкур томошалар ёшларни баркамоллик руҳида тарбиялаш, Ватанга, она- юртга садоқат , меҳр-муҳаббат туйғуларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимиз меҳмонлари намойиш этадиган мазкур спектаклларга барча театр санъати ихлосмандларини таклиф этамиз.

Дилором ИКРОМОВА



СУРАТЛАРДА: Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган спектакллардан лавҳалар.

Футбол

БЕЛЛАШУВЛАР МУРОСАСИЗ ЎТДИ

НИҲОЯТ ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ КУТГАН САРҲИСОБ ОНЛАРИ ЕТИБ КЕЛДИ. МАВСУМ ДАВОМИДА МУТАХАССИСЛАРУ МУХЛИСЛАРНИ КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР БИЛАН ҲАЙРАТГА СОЛГАН, БАЪЗИДА ЙИҒЛАТИБ, ГОҲИДА ҚУВОНТИРГАН МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, 16 жамоа иштирок этган олий лига беллашувлари жорий йилда анча қизиқарли курашлар остида, муросасиз, шиддатли ўйинларга бойлиги билан ҳам ёдда қолади. Пойтахтимиз шарафини эса олий лигада «Пахтакор», «Трактор» ҳамда «Локомотив» жамоалари ҳимоя қилишди. Шу ўринда Вадим Абрамов бош мураббийлигида бу йилги чемпионат баҳсларини ҳам ўтган йиллардагидек муваффақиятли якунлай олган «Трактор» жамоаси футболчиларини фахрли бешинчи ўрин билан қутлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки асосини маҳаллий футболчилар ташкил этадиган, молиявий кўмакка муҳтож бўлган «тракторчи»лар ўн беш марта рақиблари устидан ғалаба қозониб, тўртта учрашувда дуранг натижа қайд этишди. Шунингдек, тўплар нисбатида ҳам ижобий ўзгариш қайд этилди. 57-46.

Олий лигага йўлланма олган кезлари кутилмаган ғалабалари билан номдор жамоаларни саросимага солиб қўйган «Локомотив»нинг эса жорий йилда анча нотекис ўйин кўрсатгани ачинарли. Натижа ҳам шунга яраша. Ўн учрашувда ғалаба, саккизтасида дуранг қайд этган темирйўлчилар ўн икки ўйинда майдондан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Тўплар нисбати 39-55. Чемпионатда 38 очко жамғарган «Локомотив». тўққизинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Бевосита чемпионатда қайд этилган натижаларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилда ҳам чемпионлик шаҳримизнинг бош жамоаси «Пахтакор»га насиб этди. Шуни алоҳида айтиш лозимки, Равшан Ҳайдаров шогирдлари мамлакатимизда ҳозирча энг кучли жамоа эканликларини исботлаб келишмоқда. Чунки «пахтакорчи»лар ўтказилган ўттиз учрашувнинг йигирма бештасида ғалаба нашидасини суришган бўлса, бор-йўғи икки ўйинда рақиблари билан муроса йўлини танлашган. Тўплар нисбати 84-12. Дарвоқе, «пахтакорчи»лар жорий йилги Ўзбекистон Кубогини ҳам қўлга киритишди. Мубораknинг «Машъал» жамоаси билан кечган муросасиз баҳсда 2:0 ҳисобида ажойиб ғалабани қўлга киритган «Пахтакор»га биллур соврин саккизинчи марта насиб этди. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан «пахтакорчи»ларни ҳам чемпонлик, ҳам биллур соврин билан чин дилдан қутлаймиз.

Чемпионатнинг кумуш медаллари учун кураш аввалига «Насаф» ва «Машъал» жамоалари ўртасида кечган бўлсада, иккинчи даврада ўзини ўнглаб олиб, ишонарли ғалабаларни қўлга киритган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси яна мухлисларини хурсанд қилди. Якунда 71 очкога эга бўлган фарғоналиклар иккинчи ўрин эгасига айланишди. Қаршининг «Насаф» жамоаси эса 70 очко билан учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, 4, 5, 6-ўринларни қўлга киритган «Машъал», «Трактор», «Қизилқум» жамоалари маҳорати йилдан йилга юксалиб бораётганлигини таъкидламаслик мумкин эмас.

Олий лигани Жиззахнинг «Сўғдиёна» ҳамда Хоразмнинг «Хоразм» жамоалари тарк этадиган бўлишди.

Тўпурарлар баҳсида эса омад «Трактор» ҳужумчиси Павел Соломинга кулиб боқди. Павел рақиблари дарвозасини 21 марта аниқ нишонга ола билди. «Пахтакорчи»лар — Жепаров ва Ихороуме Ученинг ҳам тўпурарлар сафида турганликлари таҳсинга сазовор. Жепаров рақиб жамоалар дарвозабонларини 18 бор хато қилишга мажбур эта олган бўлса, нигериялик легионер Уче 17 марта ўз мухлисларига чиройли голларни туҳфа эта олди.

Келгуси йили олий лигада биринчи лигада зафар қучган жамоалар— Тошкент шаҳрининг «Қурувчи» ҳамда Бухоро вилоятининг «Вобкент» командалари тўп суришади. Биз ушбу жамоалардан ҳам ажойиб ўйинлар кутиб қоламиз.

Қуйида эътиборингизга турнир жадвалини эълон қиламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

	Ж	Ў	Ю	Д	М	Т Н	О
1.	«Пахтакор»	30	25	2	3	34-12	77
2.	«Нефтчи»	30	23	2	5	60-23	71
3.	«Насаф»	30	22	4	4	63-33	70
4.	«Машъал»	30	18	6	6	50-26	60
5.	«Трактор»	30	15	4	11	51-46	49
6.	«Қизилқум»	30	14	6	10	51-37	48
7.	«Навбаҳор-Н»	30	13	5	12	46-35	44
8.	«Самарқанд-Д»	30	12	4	14	39-39	40
9.	«Локомотив»	30	10	8	12	39-55	38
10.	«Андижон»	30	10	5	12	46-52	35
11.	«Бухоро»	30	9	7	14	35-34	34
12.	«Шўртан»	30	10	2	18	43-55	32
13.	«Тўпаланг»	30	9	4	17	40-58	31
14.	«Металлург»	30	7	7	16	36-45	28
15.	«Сўғдиёна»	30	7	3	20	23-48	24
16.	«Хоразм»	30	0	3	27	21-127	3

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ

2006 йил 26 декабрь ҳамда 2007 йил 2 ва 9 январь кунлари соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган «Toshqishloqmash» ОАЖга тегишли

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА.

1. Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 60-уй манзилидаги А,Б,В,Д,Е,Ж,Ж1,З,И,К,Л,М,Н,П-блоклардан ташкил топган 8-цех бино ва иншоотлари ҳамда мол-молмулклари. **Бошланғич баҳоси-70 701 000 сўм.**
2. Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилидаги «Кулинария» дўкони биноси. **Бошланғич баҳоси-13 533 351 сўм.**
3. Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилидаги навес. **Бошланғич баҳоси-249 444 сўм.**
4. Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилидаги 1 қаватли цех, 31-механик участкаси биноси ва К-100 объекти). **Бошланғич баҳоси-44 975 264 сўм.**
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган «KOINOT VA MAKS» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98«б»-уй манзилидаги ум.майд. 300,0 кв.м. бўлган «КОИНОТ» ресторани биноси. **Бошланғич баҳоси-58 000 000 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридага закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш, савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қуйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар, ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар 138-69-70, 138-69-94.

Мунажжим башорати

ИЖОД ҚИЛИНГ, ЯРАТИНГ — ЮТАСИЗ!

24 НОЯБРЬ, ЖУМА

ҲА, ЮЛДУЗЛАР ЖОЙЛАШИШИ БУГУНГИ КУН КЎПЧИЛИК ҲАЁТИДА ШОНЛИ САНА БЎЛИБ ҚОЛИШИДАН ДАРАК БЕРАДИ. НИМА ИШ ҚИЛМАЙЛИК, ОДАМЛАР ЭЪТИБОРИГА САЗОВОР БЎЛАДИ ВА ИЖОБИЙ БАҲОСИНИ ОЛАДИ. ГУРУРИМИЗ, ЎЗИМИЗГА БЎЛГАН ИШОНЧ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТ КЕЧИРИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИМИЗ ТАЛАНТ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ НАМОЙИШ ЭТИБ, ВОҚЕАЛАР БИЗ ЎЙЛАГАН, ИНТИЛГАН ЙЎЛДАН БОРИШИГА САБАБ БЎЛАДИ. ҲАЁТДАН ЎЗ ЎРНИМИЗНИ ТОПГАНДАЙ БЎЛАМИЗ. БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗНИ ИЖОД ҚИЛИШГА, ЯРАТИШГА УНДАЙДИ.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугун қўл урилган ҳар ҳандай ишни албатта охирига етказиш лозим. Акс ҳолда ўзингизга зиён келтириб қўйишингиз ҳеч гапмас. Шундай экан, бошлаган ишни охирига етказиш, қарзлардан тамоман узилиш ва уйингиздаги нокерак эски-тускилардан халос бўлишингиз, омадингизга кафолат бўлади.

Оғзингиздан чиқаётган гапларга эътиборли бўлинг ва гапларингиз беҳуда шамолга учиб кетмасин.

Тушлар бугун башоратли бўлиб, уларни эслаб қолиш ёки, яхшиси, ёзиб қўйиш керак. Шундай қилган киши янглишмайди.

Бугун овқатдан ўзингизни тортманг, кўнглингиз тусаганини еяверишингиз мумкин. Овқатлар бугун танада тўлиқ ҳазм бўлиш билан бирга, тўкималарда ёғлар тўпланишига олиб келмайди. Мабодо, бугун бирон егулик дидингизга ўтирмаса, демак, у бошқа кунларда ҳам сиз учун фойдали бўлмайди.

Кийим-кечакларга келсак, оқиш, оч яшилликка яқин рангларингиз бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Қора ва қизил рангли либослардан бугунча узоқроқ бўлганингиз маъқул.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6